

«ТАСДИКЛАЙМАН»  
Комиссия раиси  
Олот туман Мактабгача таълим булими мудир

Жумаева.Н.

17.11.2022 г

ТЕХНИК ТОПШИРИК

Олот туман Мактабгача таълим булимига қаршли 1-ДМТТ Жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш.

№	Маълумотлар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Бажариладиган иш	Олот туман Мактабгача таълим булимига қаршли 1-сон ДМТТ жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш.
2	Буюртмачи	Олот туман МТБ
3	Тижорат таклифни тақдим этиш шартлари	Иш тажрибаси Иштирокчи корхонанинг мутахасисларнинг иш тажрибаси Моддий таъминоти Иштирокчи корхонанинг асбоб ускуналари Кафолат муддати Махсулот мавжудлиги Ишток этувчининг транспорт воситалари Солиқдан қарздорлиги йўқлиги ҳақида маълумотнома Иштирокчи корхона ҳақида умумий маълумотлар Техник ҳафсизлиги қоидалари Коррупцияга қарши талаблар Етказиб бериладиган махсулотларнинг техник параметрлари Бажариш бериш муддати
4	Бажарилган ишлар ҳисоб китоби	Бажарилган ишлар счёт фактура асосида белгиланган тартибда тўланади
5	Молиялаштириш манбаи	Бюджет маблағлари ҳисобидан
6	Буюртмачи суммаси	226894376 сум
7	Конкурс тили	Ўзбек тилларида
8	Шартнома валютаси	Миллий валюта
9	Танлов таклифини қабул қилиш	Таклифлар эълон қилинган пайтдан бошлаб
10	Танлов тўғрисида маълумот	<a href="https://etender.uzex.uz/">https://etender.uzex.uz/</a> да жойлаштирилган



Олот туман Мақтабгача таълим булимига қарашли 1-сон Мақтабгача таълим муассасасини жорий таъмирлаш

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ УЧУН ҲУЖЖАТ**

ТАНЛАШ ҲУЖЖАТНИ

ИШЛАБ ЧИҚДИ

Олот туман Мақтабгача таълим булими

2022 йил

**БАРЧА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!!!**

**Олот туман Мақтабгача таълим булими**

*Энг яхши таклифни танлаш учун эълон қилади*

Объект номи: Олот туман Мақтабгача таълим булими қарашли 1-сон Мақтабгача таълим муассасасида жорий таъмирлаш ишларини бажариш

226894376 сўм. (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати- 30 календарь кун.

Буюртмачи: Олот туман Мақтабгача таълим булими

Тел: (93) 470-90-25

**Молиялаштириш манбаси: Бюджет маблағлари ҳисобидан.**

1) Танлаш иштирокчилари куйидаги талабларга лойик бўлишлари лозим: иш (хизмат)ларни

бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, ва мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга шартнома тузиш юзасидан фуқоралик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлиши шарт.

2) Маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчи ташкилотлари танлашда қатнашганда, таклифларни баҳолашда маҳаллий танлаш иштирокчиларига куйидаги нарх кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

3) Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлаш таклифлари конун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солигидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар иш хизматлари қўшилган қиймат солиги суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади. Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлаш ҳужжатларини [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) сайтидан олишлари мумкин.

4) Тасдиқланган танлаш ҳужжатлари буюртмачи томонидан жойлашлаштириладиган давлат харидлари бўйича [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

5) Таклифлар танлаш ташкилотчиси томонидан [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) электрон танлаш эълонида чоп этилган кундан бошлаб тугайдиган вақтига қадар қабул қилинади.

## ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

**Олот туман Мактабгача таълим булими қарашли 1-сон Мактабгача таълим муассасасида жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш.**

танлашда иштирок этишда танлаш иштирокчиларини таклиф этамиз ва қуйидаги объект буйича танлаш таклифини такдим этилишини сўраймиз.

Бажариладиган иш номи: **Олот туман Мактабгача таълим булимига қарашли 1-сон Мактабгача таълим муассасасида жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш.**

Хизмат кўрсатиш бошланғич нархи 226894376 сўм (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати- 30 календарь кун.

Буюртмачи: **Олот туман Мактабгача таълим булими**

**Молиялаштириш манбаси: Бюджет маблағлари ҳисобидан.**

Таклиф этилган шартлар буйича танлашда мурожат билан маҳаллий ташкиотлар иштирок этишлари мумкин.

Энг яхши таклифни танлашда иштирок этиш учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади.

фукоролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати.

Доимий ходимлари, жумладан муҳандис -техник ходимларига эга бўлиши.

Ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизация, ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлиши.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги.

Тўловга кодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган).

Танлаш объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги.

Бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотномаларни такдим этиш.

Устав фонди микдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлаш предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлиқ фалият қонун

ҳужжатларига мувофиқ лицензиялари зарур бўлса, танлашда иштрок этиш учун белгилан тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлаш иштрокчиларга рухсат

этилади.

Қуйидаги танлаш иштрокчиларга танлаш жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди.

Қайта ташкил этилиш (бўлиниш, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар.

Мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муссислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Хар бир бажариладиган иш буйича ишлаб чиқариш воситаларини, ишлатиладиган машина ва механизмлар рўйхати тўлиқ илова қилиниши керак.

Хар бир бажариладиган иш буйича тендерга эълон берган вақтида ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сони тўлиқ кўрсатилиши керак. Меҳнат дафтарчалари ва буйрук хар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўлиши керак.

Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳоланганда нотўғри маълумот берилса тендер ҳужжатлари кўрилмасдан кайтарилди.

Танлаш таклифини тайёрлаш ва такдим этиш учун барча ҳужжатлар танлаш иштирокчилари учун йуриқномада акс эттирилган.

Танлаш иштирокчилари танлаш чиқиш ва танлаш таклифини тузиш мақсадида танлаш

таклифини тузиш мақсадида танлаш предметининг бажариладиган иш хизматларни рўйхатини, такдим этилиши ҳақида танлаш ташкилотчисига мурожат қилишга ҳақлидир.

Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлаш ҳужжатларини [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) сайтдан олишлари мумкин.

Таклифларни топшириш танлаш иштирокчиларнинг танлаш ҳужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажимлари ҳамда бошқа шартларга нисбатдан таъмирлашнинг тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни танлаш эълон қилинган санадан бошлаб 1(бир) иш кундан кейин танлаш комиссияси томонидан [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) махсус ахборот портали орқали кўриб чиқилади.